

## **ШАХСНИНГ БИОМЕТРИК ХУСУСИЯТЛАРИ АНИҚЛАШДА ЮЗ ТАСВИРНИ**

**СЕГМЕНТЛАШ, ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ, ФИЛЬТРЛАШ, ЮЗ  
БЕЛГИЛАРИНИ АЖРАТИШ МЕЗОНЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МУОММОЛАРИ**

**Турапов У.Ў.,**

Жиззах политехника институти

Ўзбекистон, Жиззах шаҳри, И.А. Каримова,4 уй

**Мулданов Ф.Р.,**

Жиззах политехника институти

Ўзбекистон, Жиззах шаҳри, И.А. Каримова,4 уй

**Рахмонов Ф.А.**

Жиззах политехника институти

Ўзбекистон, Жиззах шаҳри, И.А. Каримова,4 уй

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада, бугунги кунда ахборот коммуникациялар технологиялар(АКТ)нинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда, шахсни биометрик хусусиятлари асосида юз тасвир бўйича маълумотлар тўплаш, юз тасвирига ишлов бериш, рақамли қўринишга ўтказиш, сегментлаш, идентификациялаш, фильтрлаш, юз белгиларини ажратишга каби шу соҳага йўналтирилган илмий тадқиқотлар ишларини кенг таҳлил қилиш ишлари олиб бориш натижалари келтирилган.

**Таянч иборалар:** биометрик хусусиятлар, сегментлаш, Вейвлет кутубхонаси, бошқариш назарияси, нейрон тармоқлари, линияли фильтрлаш, юқори частотали фильтрлар.

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье, используя возможности современных информационно-коммуникационных технологий(ИКТ), научные исследования сосредоточены в этой области, такие как сбор данных об изображении лица на основе биометрических характеристик человека, обработка изображения лица, преобразование его в цифровое изображение, сегментация, идентификация, фильтрация, выделение лица, всестороннего анализа их обработки.

### **ANNOTATION**

In this article, using the capabilities of modern information and communication technologies(ICT), scientific research is focused in this area, such as collecting face image

data based on human biometric characteristiks, processing a face image, converting into a digital image, segmentation, identification, filtering, selektion of faces, a comprehensive analysis of their procossing.

Асосан юз тасвирлар билан ишлап жараёнида, тасвирларга рақамли ишлов бериш масалаларининг иш қуроли бўлган компьютерда сақланадиган маълумотларга қайта ишлов бериш босқичлари кетма-кетлиги фойдаланувчиларга маълум талаблар қўяди. Шахснинг юз тасвирига рақамли ишлов бериш дастурларига, Вейвлет ёрдамида MATLAB пакети муҳити, тасвирларга рақамли ишлов беришда қулай дастурий воситаларидан бири ҳисобланади, Ҳозирги кунда, MATLAB ядроси матрициали ҳисоблашлар учун энг замонавий дастурий таъминотни ўз ичига оладиган LAPACK (Linear Algebra Package) ва BLAS (Basic Linear Algebra Subprograms) кутубхоналарига ўрнатилган. Университет муҳитида MATLAB пакети математика, техника ва бошқа илмий фанлар бўйича бошланғич ва чуқурлаштирилган курслар учун стандарт ҳисоблаш пакети ҳисобланади. Саноатда эса MATLAB пакети кўпгина тадқиқотчи ва ишлаб чиқарувчилар томонидан кенг фойдаланилади. MATLAB пакети иккита катта қисмлардан ташкил топган: ядроси ва уланаётган (қўшилаётган) кутубхоналар (ёки "toolboxes" - "асбоблар комплектлари"). MATLAB ядроси кўпчилик функцияларни ва умум мўлжалланган операцияларни таъминлайди. Кутубхоналар тор ихтисослашган функцияларни сақлайди ва фойдаланувчиларга қатъий аниқланган соҳада ҳисоблашлар ва тасвирларга ишлов бериш имкониятини беради. Бу кутубхоналардаги функциялар математик мантиқ, бошқариш назарияси, нейрон тармоқлари, тасвир ва сигналларга ишлов бериш соҳалардаги замонавий амалий йўналишдаги масалаларни ечиб беради. Асосан юз тасвирига ишлов бериш жараёнида Вейвлет ёрдамида MATLAB пакети муҳитида мавжуд бўлган сандарт кутубхоналар тизимини юз тасвирига рақамли ишлов бериш усулларининг таҳлилий натижалари умумлаштирилди ва қуйидаги жараёнларда амалга оширилди.

**Вейвлет кутубхонаси** - MATLAB пакети базасида шакллантирилган функциялар мажмуасидир. Вейвлет кутубхонаси MATLAB пакети тузилмаси доирасида сигнал ва юз тасвирларни рақамли ишлов бериш, таҳлиллаш ва синтезлаш ишларини инструментал воситалар билан таъминлайди. Кутубхонадаги исталган функция ишини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун M – файллардан нусха олинади, қайта номланади ва яратилган нусхада тегишли ўзгартиришлар киритилади. Фойдаланувчи ўзининг M – файлларини қўшиш орқали кутубхонани кенгайтириши мумкин.

**Image Processing** – Вейвлет ёрдамида MATLAB пакети муҳити имкониятларини кенгайтирувчи функциялар йиғиндисидир. Image Processing кутубхонаси ҳозирги вақтда дунёнинг 4000 та компания ва университетларда ишлатилади. Шу билан бирга


фойдаланувчилар ушбу кутубхона ёрдамида кўп соҳаларга тегишли масалан: космик текширувлар, ҳарбий ишлаб чиқаришлар, астрономия, медицина, биология, роботларни куриш, тасвирларни қайта ишлаш ва аниқлаш, бошқа шунга боғлиқ масалаларни ҳал этмоқдалар.

Бу кутубхона юз тасвирларни қайта ишлаш бўйича операцияларни кенг диапозанини қўллаб – қувватлайди ва юз тасвирини қўйидаги параметрларини учун амалга оширилади:

- 1) юз тасвирининг геометрик операцияларини шакллантириш;
- 2) юз тасвиридаги чизиқли фильтрация ва фильтрларни ишлаб чиқиш;
- 3) юз тасвири параметрларининг шакл ўзгариши ҳолатини аниқлаш;
- 4) обьектда жойлашган юз тасвирини, бошқа обьектдаги юз тасвирларини статик таҳлили;
- 5) 2D ўлчамдаги юз тасвирлар билан операцияларни аниқлашни амалга оширишdir.

Бу кутубхонанинг 2 та –версияси мавжуд, 1чи – версияси кўп афзалликларга эга. Бунда юз тасвирлар билан ишлаш жараёнида кўп ўлчовли массивлар кўринишига келтириш ва 8 – разрядли маълумотларнинг қўллаб қувватланишидир. Шунингдек 1–версиянинг кўпчилик функциялари тезкорликни ошириш ва хотиранинг камроқ ҳажмидан фойдаланиш мақсадида қўлланилади. Бундан ташқари, 2 чи–версиясида кутубхона имкониятларини кенгайтирувчи кўргина функциялар ҳам мавжуд.

**Image processing toolbox** - юз тасвирига рақамли ишлов бериш ва тасвирлар таҳлили воситаларнинг кенг диапазонли спекторини тавсия қилинади. Бунда Image Processing Toolbox пакети, MATLAB пакети муҳитининг Вейвлет ёрдамида юз тасвирини рақамли хисоблашлар имкониятини кенгайтирадиган функциялар тўплами (1 расм) келтирилган. Image Processing Toolbox ёрдамида юз тасвирларни сиқиш, узатиш ва юз тасвирларни яхшилаш тизимини ишлаб чиқиш, кузатиш ва таниб олиш, биометрика ва бошқа соҳаларда қўлланади.



Расм 1. Юз тасвирига рақамли ишлов бериш параметрлари.

Image Processing Toolbox муҳитининг whos функциясини қўллаймиз. Бу ерда тасвир номи, ҳажми, байти ва синфи ҳақида маълумот ишчи ойнада ҳосил бўлади. Тасвирни равшанлигини ошириш учун histeq функциясидан фойдаланилади. Бунда, асл тасвир равшанлиги оширилгандан сўнг тасвир ҳақидаги ахборот аниқлиги ортади. Иккала тасвирни таққослаб кўриш учун асл тасвирнинг ўзи ҳамда унинг гистограммаси, равшанлиги оширилган тасвир ҳамда унинг гистограммасини битта ойнада акс этирамиз, бунинг учун subplot, imhist, imshow функцияларидан фойдаланамиз.

Name	Size	Bytes	Class
I	657x1122x3	2211462	uint 8 array
h	1x1	8	double array
new	657x1122	737154	uint 8 array

Grand total is 2948617 elements using 2948624 byte

```
>> I2 = histeq (new); % тасвир контрастини ўзгартириш
>> subplot(2,2,1),imshow(new),title('chiquvchi tasvir');
>> subplot(2,2,2),imhist(new),title('tasvir gistogrammasi');
>> subplot(2,2,3),imshow(I2),title('uzgartitilgan tasvir');
>> subplot(2,2,4),imhist(I2),title('uzgartirilgan tasvir gistogrammasi');
```

Бу илова юз тасвирларни рақамли ишлов беришнинг турли операцияларини, жумладан қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолда қўллаб қувватлайди:

- юз тасвирларнинг вақт оралиғидаги қайта ўзгариши;
- юз тасвиридаги (ўзгариш) морфологик операциялар;
- юз тасвирига ўзгарувчи параметрлар асосида ишлов бериш;
- юз тасвирини турли фильтрлар ёрдамида линияли фильтрлаш;
- обьектда юз тасвирини таҳлил қилиш ва уларни яҳшилаш;
- обьектда бузилган тасвирларни қайта тиклаш;
- обьектда учрайдиган ҳалақит ва бузилишларни бартараф қилиш;
- умумий ҳолда қаратилган соҳасига ишлов бериш.

Келтирилиб ўтилган параметрлар асосида юз тасвирини рақамлаштириб, Image Processing Toolbox иловаси асосида таҳлил ўтказилади. Юз тасвирини обьект учун қўлланиладиган воситаларининг кенг диапозонли спектрини тақдим қилинади ва обьект учун юз тасвирини рақамли қайта ишлаш хусусиятларини асосий мезонини ташкил этади ва улар қуйидагилар;

- обьектдаги юз тасвири деталларини тиклаш ва ажратиш;
- обьектдаги юз тасвирнинг ажратилган майдони билан ишлаш;
- юз тасвирини бошқа шахс юз тасвири билан қиёсий таҳлил қилиш;
- обьектда юз тасвирини линияли фильтрация қилиш;
- обьектда юз тасвирларни қайta ўзгартириш;

- юз тасвирида геометрик ўзгаришларни инобатга олиш;
- юз тасвиридаги муҳим деталлар контрастлигини ошириш;
- юз тасвиридаги бинар ўзгаришларни инобатга олиш;
- юз тасвирида ранг ўзгаришларини инобатга олиш;
- юз тасвирида палитранинг ўзгаришини инобатга олиш;
- юз тасвир турларини ўзгартиришни аниқлаштириш.

Асосий келтирилган мезонлар асосида Image Processing Toolbox пакети фойдаланувчининг ва усулларини ривожлантириш учун максимал даражада мослашган. Бунинг учун мумкин бўлган ўзига хос масалаларни ва ноанъанавий масалаларни ҳал этиш учун йўналтирилган пакетлар тўпламидир. Сиз тасвирини яхшилашни, шовқинни камайтиришни, таҳлил қилиш, визуаллаштириш ва алгоритмларни ривожлантиришингиз мумкин.

**Image Processing Toolbox** мухитида юз тасвирларни фильтрлаш - чегараларни кўпайтиришда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, чегараси ажралиб турган фотографик, телевизион тасвирлар шахс томонидан ранглар бир-бирига сезиларсиз ўтадиган табиий манзарадан кўра яхши қабул қиласди. Бу хусусият ва тасвиридаги чегаранинг ёйилиш кўринишидаги халақитларни йўқотиш муаммолари тасвирларга автоматик ишлов бериш, олдига чегарани кучайтириш, яъни фон ва объект ёруғликлари фарқини ошириш масаласини қўяди. Ушбу масалани ечиш усуллари тасвирларга ишлов беришда кенг қўлланилади. Одатда чегара юқори частотали фильтрлар ёрдамида кучайтирилади.

$$A_1(m,n)=\begin{vmatrix} 0 & -1 & 0 \\ -1 & 4 & -1 \\ 0 & -1 & 0 \end{vmatrix}; \quad A_2(m,n)=\begin{vmatrix} -1 & -1 & -1 \\ -1 & 8 & -1 \\ -1 & -1 & -1 \end{vmatrix}; \quad A_3(m,n)=\begin{vmatrix} 1 & -2 & 1 \\ -2 & 4 & -2 \\ 1 & -2 & 1 \end{vmatrix}; \quad (1)$$

Кўриниб турибдики, бу фильтрларнинг иш ниқоблари ўртача (1) кийматга эга бўлади. Яъни ниқобдаги манфий ва мусбат қийматларнинг йифиндиси 0 га teng. Бунинг сабаби ниқоб қўлланилганда бир жинсли майдон учун 0 натижа, чегаравий соҳа учун 0 дан фарқли натижа олиниши керак. Чегаравий соҳани кучайтиришнинг яна бир усули статистик айрмалашdir. Бунда ҳар бир элемент қиймати ўрта квадратик чекланишнинг статистик баҳосига бўлинади.

$$\begin{aligned} E_{ij} &= f_{ij} / 0(i, j) \\ 0^2(i, j) &= \sum_i \sum_{ji} [f_{ij} - Z_{ij}]^2 \\ i, j &- N(i, j) \end{aligned} \quad (2)$$

( $i, j$ ) координатали нүқтанинг бирор  $N(i, j)$  атрофи бўйича ҳисобланади,  $\bar{f}_{i,j}$ -эса нүқтада манба тасвирни паст частотали фильтрлаш йўли билан тақрибий ҳисобланган ўртача ёруғлик қийматидир. Сифати оширилган  $Z_{ij}$  - тасвир манба тасвирдан чегаравий соҳалардаги қийматлари катта, бошқа соҳаларда эса кичик бўлиши билан фарқланади. Чегара кучайтиришнинг яна кўплаб турли алгоритмларни ҳисобга олувчи усуллари мавжуд.

Кейинги йилларда тасвирларга рақамли ишлов беришда чизиқли бўлмаган усулларга киравчи медицина усули билан фильтрлаш кенг қўлланилмокда. Бу усул текислаш жараёнидир ва қуйидаги устунликларга эга:

1. Майдон ёруғлигидаги кескин фарқланиш-чегаравий соҳалар сақланади.
2. Сочилган нүқтавий халақитлар самарали текисланади.

Бу усулларни алгоритмлари эвристик кўринишда бўлади яъни истеъмолчи фильтр параметрларини манба тасвир сифатига боғлик равиша олади. Қўш қийматли тасвирларда халақитлар асосан тўрт сабабга кўра:

- тасвирнинг асл нусхасидаги ифлослик яъни халақитлар;
- бўялиш сифатини пастлиги;
- тасвирни хотирага киритиш жараёнидаги кичик хатолар;
- кўп қийматли тасвирларни қўш қийматлига ўтказиш бўсағасининг нотўғри танланиши каби хатоликлар сабаб бўлади.

Ушбу камчиликларни йўқотиш тасвирлардаги халақитларни йўқотиш деб аталади ва уларни бартараф этишининг самарали усулларидан бири фильтрлашдир. Фильтрлаш усулларини ишлаб чиқиш икки турдаги тасвирларда учрайдиган асосий халақитларни йуқотишда самарали фойда беради. Энг кўп учрайдиган халақит чизиқ шаклини нотекислиги. У турли хил кўринишда бўлади:

- қалинликни ўзгариши;
- чизиқлардаги хаддан ташқари кенг ва тор бўлаклар бўлиши;
- чизиқлар контурининг нотекислиги.

Яна бир хатоликлар тасвирда яккаланган ҳолдаги кичик доғлар мавжудлигидир. Яккаланган бўшлиқлар ва энг оддий, шу билан бирга йуқотилиши мураккаб бўлган камчилик бу чизиқлардаги узилишлар ва бир неча чизиқларни қўшилиб кетиши. Тасвирларга сифатли ишлов бериш учун баъзи параметрларини ўзгартириш давомида фильтрларни ўлчами ва бўсаға қийматини танлаш яхши самара беради. Халақитларни хажмига қараб қўш қийматли тасвирлар тўрт синфга бўлинади:

- ўта халақитли тасвирлар яъни тасвирда барча турдаги халақитлар мавжудлиги;
- чизиқларни узилишлари ва қўшилиб кетишлидан ташқари барча халақитлар мавжуд ҳоли;

- тасвирдаги кичик бўшлиқлар чегара нотекислиги кўринишидаги халақитлар мавжудлиги;
- фақат объект чегараларидағина халақит мавжудлиги.

Халақитларни йўқотиш учун юз тасвирларда асосан марказидаги қиймат атрофидаги элементлар асосида ўзгартирувчи текисловчи фильтрларни моделлаштириш жараёни ишлатилади.

MATLAB пакети муҳитида юз тасвирларни фильтрлаш буйруқлари қуидаги кўринища бўлишини таъминлайди ва келтирилган моделлаштириш жараёни буйруғлар билан белгиланади:

- conv2 – тасвирни таққослаш;
- convn - N-ўлчовли сигналларни таққослаш;
- convmtx2 – таққослаш матрицаларини ҳисоблаш;
- filter2 – икки ўлчовли чизиқли фильтрлаш;
- freqz2 – икки ўлчовли фильтрилаш;
- fspecial – олдиндан аниқланган фильтрлаш маскаси топширифи;
- fsamp2 - чизиқли фильтрлаш маскасини шакллантириш;
- ftrans2 –чизиқли фильтрлар маскасини частоталар алмашиш усули билан шакллантириш;
- fwind1 – бир ўлчовли ойнадан фойдаланган ҳолда чизиқли фильтрлар маскасини шакллантириш;
- fwind2 - икки ўлчовли ойнадан фойдаланган ҳолда чизиқли;
- фильтрлар маскасини шакллантириш;
- blkproc – тасвир блокларни қайта ишлаш;
- bestblk – блок ўлчамини аниқлаш;
- nlfilter – бирлаштирилган ноҷизиқли фильтр;
- colfilt – фильтрнинг оптималлаштирилган операциялари;
- im2col – тасвир фрагментларини устунга алмаштириш;
- col2im – ёрдамчи тасвирларни алмаштириш;
- ordfilt2 – рангли фильтрлаш;
- medfilt2 – медиана усулида фильтрлаш;
- wiener2 – винеровский адаптив фильтрлаш;
- roifilt2 – қизиқтирган соҳани фильтрлаш;
- imfilter – икки ва кўп ўлчовли тасвирларни фильтрлаш.

Хуносада, Вейвлет ёрдамида MATLAB пакети муҳити, тасвирларга рақамли ишлов беришда қулай дастурий воситаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги вақтда MATLAB ядроси матрицали ҳисоблашлар учун энг замонавий дастурий таъминотни ўз ичига оладиган LAPACK (Linear Algebra Package) ва BLAS (Basic Linear Algebra Subprograms)

кутубхоналарининг ўрнатилганлигидир. Олийгоҳлар мұхитида MATLAB пакети математика, техника ва бошқа илмий фанлар бўйича бошлангич ва чуқурлаштирилган курслар учун стандарт ҳисоблаш пакети ҳисобланади. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, юз тасвиридаги бу хусусият, тасвирдаги чегаранинг ёйилиши, кўринишидаги халақитларни йўқотиш муаммоларини юз тасвирларни чегарасани кучайтириш, яъни фон ва объект ёруғликлари фарқини ошириш масаласини қўяди. Одатда чегара юқори частотали фильтрлар ёрдамида кўчайтирилади. Юз тасвирларга рақамли ишлов бериш босқичининг асосий мақсади манба юз тасвир тарифининг тузилиши ва шаклини сақлаб қолишидир.

### **Қўлланилган адабиётлар**

1. Бабий М. С. Распознавание изображений на основе двумерного вейвлет-анализа /М. С. Бабий, А. П. Чекалов // Вісник Сумського державного університету. Серія.Технічні науки. – 2012. – № 1. – С. 20–24.
2. Гайдышев И. Анализ и обработка данных. – СПб: Питер, 2001, 403 с.
3. Discovering Computers 2016. Tools, Apps, Devices, and the Impact of Texnology. 691 pg.
4. Richard L. Halterman Fundamentals of CQQ Programming. Copyright © 2008–2016. All rights reserved.634 pg
5. Brian P. Hogan HTML5 and CSS3, Second Edition. Level Up with Today’s Web Technologies. Copyright © 2013 The Pragmatic Programmers, LLC. All rights reserved.290 pg.
6. Raavi O’Connor Autodesk 3ds Max® 2016 Modeling and Shading Essentials. Copyright © 2015 Raavi Design.466 pg.